

LANGUAGE IS A MEANS OF COMMUNICATION

N. Mullasodikova

Department of Arabic Language and Literature, al-Azhar

Abstract: Senior Lecturer in the Muslim world, religious beliefs played an important role in the emergence of a number of philological sciences, and it was the factor of religion, in particular, the scientific value of the Arabic language, based on the objective requirement of a clear and accurate understanding of the Qur'an and its content. Along with the understanding of the language of the Qur'an, there was a need to know and understand the grammatical, semantic and stylistic features of the Arabic language. Therefore, the study of its language on the basis of the text of the Qur'an as an example of the Arabic language of the VII century, in particular, the linguistic laws of the language, in particular, the theoretical ideas on the refinement of meaning, how they are expressed in the classification of the sciences of language, are necessary from the point of view of modern, historical linguistics, as well as from the point of view of defining the peculiarities of linguistic ideas in the Islamic world.

ТИЛ МУЛОҚОТ ВОСИТАСИ

Н. Мулласодиқова

ЎзХИА, “Араб тили ва адабиёти, ал-Азхар” кафедраси
катта ўқитувчиси, PhD

Мусулмон оламида бир қатор филологик илмларнинг вужудга келишида диний эътиқод муҳим аҳамият касб этган бўлиб, айнан дин омили, хусусан, Қуръони карим ва унинг мазмунини аниқ ва тўғри англаш объектив талаби асосида араб тилига бўлган илмий эътибор кучайган. Қуръон тилини англаш баробарида араб тилининг грамматик, семантик, стилистик ўзига хослигини билиш ва тушунишга бўлган зарурат юзага келган. Шунга қўра, Қуръони карим матни асосида унинг тилини VII аср араб тили намунаси сифатида ўрганиш тилнинг лингвистик қонуниятлари, хусусан, маънонинг жиллоланишига оид назарий ақидалар, уларнинг тил тўғрисидаги илмлар таснифида қай тарзда ифода этилганини замонавий, тарихий тилшунослик нуқтаи назаридан, шунингдек ислом оламида лингвистик тасаввурларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш нуқтаи назаридан зарурият касб этади.

Мусулмон цивилизацияси замирида сўз, гап, нутқ ва фикрни ифодалаш билан боғлиқ бўлган тилшунослик, адабиётшунослик, риторика, ораторлик, стилистика каби соҳаларнинг шаклланиб ва эталон даражасига айланишида ислом омили бош усткурма сифатида аҳамият касб этади [1:3].

Ислом дини ва унинг тараққиёти билан узвий боғланган илмлардан бири бу балоғат илмидир. Бу илм уч таркибий қисмга тақсимланиб, сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши, ҳар хил шеърӣ-шаклий санъатлар ва грамматик, лексик воситаларнинг барчасидан фойдаланиш қонун-қоидалари ўрганади.

Балоғат илми бевосита Қуръон тили бойлиги, бетакрорлиги, сержило ва сермаънолигини ўрганиш, унинг муқаддаслигини англаш, тилнинг ички тузилиши, қонуниятларини белгилаш ва тартибини тушунтириш билан боғлиқ равишда шаклланиб борган. Унинг таркибида маъоний илми нутқнинг лингвопозетик ва психолингвистик шаклланиши жараёнида маъноларнинг ўзига хос ўрни ва жиллоларини ўрганган.

Балоғат сўзининг дастлабки луғавий маъноси “вояга етиш, етиб келиш, етишиш ва тугаш”дир. Қуръони каримда ушбу маънода келган оятлар мавжуд. “Улғайиб балоғатга етди” маъносида “Нур” сурасининг 59-ояти мисол бўлиши мумкин.

وَإِذَا بَلَغَ الْأَطْفَالُ مِنْكُمُ الْحُلُمَ فَلْيَسْتَأْذِنُوا. қачонки, гўдақларингиз балоғатга етса, бас, улар ҳам худди ўзларидан олдинги (балоғатга етган)лар каби изн сўрасинлар! [2:358].

“Муддатга етиб келиш” маъносида эса “Талок” сурасининг 2-оятини мисол қилиш мумкин.

فَإِذَا بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ – Бас, қачонки, (талок қилинган аёллар идда) муддатига етсалар, бас уларни яхшилик билан олиб қолингиз. [2:558].

Қуръон тили ва араб тилининг ўзаро боғлиқлик сабабларини англаш учун Қуръон матнига муурожаат этиш кифоя қилади. Чунки Қуръони каримда арабча сўзларнинг қўлланилиш характеристикаси диний тафаккур учун араб тилининг нақадар аҳамиятли эканини очиб беради.

Қуръони каримнинг “Иброҳим” сураси тўртинчи оятида:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَّسُولٍ إِلَّا لِيَسْأَلَنَّا قَوْمَهُ لِيُبَيِّنَ لَهُمْ

Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан (сўзлайдиган қилиб) юбордик [2:255], дейилади.

Яъни, Қуръони карим Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг халқи сўзлашган тил, яъни араб тилида нозил қилинган. Қуръони карим нима учун араб тилида баён қилингани, тилнинг ўзига хос жозибаси, ҳиссий-эмоционал бўёқдорлиги ва сержиллолиги, таъсир кучи, ифода қуввати, мазмун ифодаси аниқлиги, бетакрор оҳанги, муסיқийлиги, ижтимоий воқелик билан уйғунлиги таъкидланади. Бинобарин, Аллоҳнинг раъйи асосида Қуръон матни учун айнан араб тилининг танланишининг бош сабаби Пайғамбар аҳлига даҳлдорлиги ва унинг ўз ички қонуниятлари, бойлиги, лингвистик қурилиши, имкониятларидадир.

Араб тилининг вазифаси Аллоҳнинг каломини мусулмонларга етказишдир. Аллоҳ араб тилини илоҳий калом учун танлаган, демак бу тилнинг илоҳий ваҳийни етказиб бериш учун барча имкониятларни ўзида мужассам эта олган. Араб тилининг сир-асрорларини эгаллашга қилинган ҳаракат Аллоҳнинг каломини билишга тенг келган. Аллоҳ каломини англаш учун араб тилини, унинг маъноларни ифода этишдаги қонуниятларини англаш зарур.

Қуръони карим тилини ўрганиш араб тилида мукамал лингвистик, стилистик қонуниятларни ўрганишга тенгдир. Оятларнинг ифодаланиши тил нуктаи назаридан олий даражадаги мукамалликни касб этади, унинг маъносини тушуниш учун балоғат илмининг қонуниятларини ҳам ўрганиш зарурдир.

Қуръони каримнинг “Қамар” сураси 5-оятда “حكمة بالغة - ḥikmatun bāliġatun” жумласи келади. Унинг мазмуни “етук ҳикмат” деган маънога тенг келади. Бинобарин, балоғат илми, хусусан, маъоний илми, Қуръони карим тилини ўрганишдаги “етук ҳикмат”ни англаш демакдир. Қуръони карим матни моҳияти, унинг тили ва лингвистик қурилиши араб тили, балоғат илми, маъоний илми кабилар билан узвий боғлиқ бўлиб, кўриб чиқиладиган муаммонинг баъзи ўзига хос жиҳатларини намоён этади, улар:

тил мулоқот ва ахборот узатиш воситаси;

тилдан фойдаланиш қоидаларини билиш инсон комиллиги белгиси, яъни шахс ижтимоий мавқеини белгиловчи индикатор эканлиги;

тил шаклга эгалиги, шаклнинг вазифаси эса маънони ифода этишдан иборат эканлиги;

маъно шаклни танлаши;

тилни чиройли қилиш тил қоидаларига риоя қилиш асосида бўлиши;

тил мулоқот воситаси сифатида сўзловчи, нутқ йўналтирилган шахс ва улар ўртасидаги психолингвистик боғлиқлик натижаси эканлиги;

шахс тафаккури ва ҳиссиётларини ифода этишида тилнинг лингвопоэтик ўзига хос қонуниятлари ишлаши.

Масалан, “тил мулоқот ва ахборот узатиш воситаси” деган тезис асосидаги фикр бўйича “Тил ҳар бир халқ ўз мақсадларини ифодалайдиган воситадир” деб айтилган жумлани далил сифатида келтириш ўринлидир. Мазкур фикр Башир Эбрининг “*Dalā’il iktisābi-l-luġa fi-turāsi-l-lisāniyyi-l-‘arabiyy*” асарида келтирилади:

وتعتبر اللغة وسيلة للتبليغ والتواصل، فالله عز وجل، أرسل رسله كُلاً بلسان قومه ليبيّنهم، ويبين لهم، وتحصل بينهم المفاهمة، وبذلك يتحقق التواصل مع الآخرين، باعتبار اللغة وسيلة تعبر عما في خاطر، ونقل من نطاق الكامن المخزون المقدر، نطاق المختار المتحقق المنجز، من أجل التواصل مع الناس بحسب ما تقتضيه وقائع الحياة الاجتماعية

“Тил маълумот етказиш ва ўзаро алоқаларни давом эттирувчи восита деб ҳисобланади. Аллоҳ азза ва жалла барча элчиларини ўз қавми тилида хабар етказишлари, тушунтиришлари ва ўзаро бир-бирини тушунишлари учун юборган ва шу йўл билан уларнинг бошқалар билан алоқасини ўрнатган. Тил ижтимоий ҳаёт факторлари талабига кўра одамлар билан муомала қилиш йўлида хотиранинг яширин доирасида сақланадиган маълумотларни ифодаловчи воситадир” [3:99].

“Тилдан фойдаланиш қоидаларини билиш инсон комиллиги белгиси”, яъни шахс ижтимоий мавқеини белгиловчи индикатор эканлиги борасида фикр бутун мусулмон маданияти ва адабиёти намуналарида улуғланган “комил шахс” тушунчаси ва комил инсоннинг нафақат дили, диди, амаллари, фикр ва қарорлари билан, балки сўзлашиш тили, сўз айтиш одоби ва ифода маҳорати билан ҳам комиллик хусусиятларини намоён қилиши зарурлиги борасидаги талабга асосланади. Комил инсоннинг сўзлашув тили унинг одобидан дарак бериши уқтирилади.

Тил мулоқот воситаси эканлиги кўпчилик ўрта асрлар араб тилшунослари томонидан таъкидланади. Мазкур мулоқотда бир неча томонлар иштироқи мавжудлиги тўғрисида гапирилади. Таъкидланган фикрлар аслида замонавий психолингвистиканинг талабларидандир.

Сўз фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш воситаси эканлиги таъкидланади. Шахс тафаккури ва ҳиссиётларини ифода этишида тилнинг лингвопоэтик ўзига хос қонуниятлари ишлашига оид фикрлар баён қилинади.

Адабиётлар:

1. Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. – С. 3.
2. Мансур Абдулазиз. Куръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2019. – Б. 357.
3. إبرير بشير. دلائل اكتساب اللغة في التراث اللساني العربي. – مطبعة المعارف. 2007. – ص. 99